Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 58 (8798).

14 март 1986 йил жума

Баҳоси 3 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

## «СОЮЗ Т-15» КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1986 йил 13 март куни Москва вақти билан соат 15 дан 33 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т—15» космик кемаси учирилди. Уни кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси полковник Леонид Денисович Кизим ва бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Владимир Алексеевич Соловьевдан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программасида «Союз Т—15» кемасини 1986 йил 20 февралда ер атрофи орбитасига чиқарилган «Мир» илмий станцияси билан туташтириш ҳамда кема ичида мўлжалланган илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни экипаж ўтказиши кўзда тутилади. Космик аппаратларни туташтириш 15 мартга белгиланган.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Союз Т—15» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Космонавтлар Леонид Кизим билан Владимир Соловьев ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.



Л. Д. КИЗИМ.



В. А. СОЛОВЬЕВ.

### «Союз Т-15» кемасининг командири полковник Леонид Денисович КИЗИМ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Леонид Денисович Кизим 1941 йил 5 августда Донецк областининг Красний Лиман шаҳрида туғилди.

У 1963 йилда Ленин комсомоли номидаги Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлади. Сўнгра ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилди. «1 класс ҳарбий учувчи» ва «3 класс синовчи-учувчи» малакасига эга.

Леонид Денисович космонавтлар отрядига 1965 йилда қабул қилинган эди.

Л. Д. Кизим — 1966 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Леонид Денисович 1975 йилда асосий ишидан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясини тамомлади.

Л. Д. Кизим икки марта: биринчи марта 1980 йилда «Союз Т-3» кемаси ва «Салют-6» орбитал станцияси командири сифатида, иккинчи марта 1984 йилда 237 сутка давом этган учиш вақтида «Союз Т-10» кемаси ва «Салют-7» орбитал станциясининг командири сифатида космосга парвоз қилди.

### «Союз Т-15» кемасининг бортинженери Владимир Алексеевич СОЛОВЬЕВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Алексеевич Соловьев 1946 йил 11 ноябрда Москва шаҳрида туғилди.

У 1970 йилда Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини битирганидан кейин конструкторлик бюросида ишлаб, космик техниканинг янги намуналарини яратишда иштирок этди.

В. А. Соловьев — 1977 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Владимир Алексеевич 1978 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинган эди.

Владимир Алексеевич биринчи марта «Союз Т-10» кемасининг ва «Салют-7» орбитал станциясининг бортинженери сифатида 1984 йили парвоз қилди, бу учиш 237 сутка давом этган эди.

# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

## ТИНЧЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Ленин партиясининг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ғоят юксакдир. Планетада партиямизнинг тинчлик стратегиясига ишонч ортиб бормоқда. Урушларсиз ва қуролларсиз келажак бўлишига халқларнинг ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди ҳақида чет элларда билдирилаётган фикр-мулоҳазаларда ўз ифодасини топмоқда.

Халқлар съездни тарихий воқеа сифатида кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий доклади халқаро жамоатчилик фикр-ўйлари ва кайфиятларида чуқур из қолдирди. Хавф-хатарсиз дунёни вужудга келтириш философияси инсониятнинг орзу-умидларига мос келади. Съезд олға сурган конкрет ҳаракатлар платформаси холис ниятли кишиларни руҳлантирмоқда. Совет коммунистлари анжуманининг ғоялари ва қарорлари халқаро тараққиётнинг ҳозирги бурилиш босқичида муҳим даврни бошлаб бермоқда. Бу ғоялар ва қарорлар жаҳон сиёсатининг мазмунини ҳамда ўтиб бораётган аср охири ва келгуси аср бошларида Ер юзида ишларнинг боришини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

«Съезд социализм ва тинчлик, тинчлик ва бунёдкорлик ажралмас эканлигини яна бир бор яққол кўрсатди, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев. — Социализм инсониятни ҳарбий ташвиш ва зўравонликнинг оғир юкидан халос этиш йўлидаги курашга бошчилик қилмаганида, у ўзининг тарихий вазифасини бажармаган бўлур эди. Барча халқлар учун бехатар ва адолатли дунё — совет сиёсатининг бош мақсадидир».

КПСС ташқи сиёсий стратегиясининг асосий мақсадлари ва йўналишлари КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида асослаб берилган. Унинг халқаро бўлимлари реализм ва новаторлик билан, уруш ва тинчлик проблемаларига масъулиятли ёндашиш, сифат жиҳатидан янги қарорларни излаш билан йўғрилгандир. Съезд партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги бош йўлини — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш йўлини маъқуллади. Унинг барча принципиал йўл-йўриқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасига киритилди.

Съезд ҳужжатларида тинчликни сақлаш ва қарор топтириш йўлидаги ишларнинг конкрет программаси олға сурилган. Ҳозирги давр жаҳон тараққиёти ҳамма омилларини комплекс таҳлил этиш бу программага асос қилиб олинган. Унда принципиал хулосалар чиқарилдики, бу хулосалар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб улар мустаҳкам тинчлик учун кураш сиёсатидан бошқа оқилона сиёсат йўқлиги ҳақидаги аниқ тушунча билан қуроллантиради.

Халқаро майдонда янги объектив шарт-шароитлар вужудга келди. Бизнинг давримизда ҳеч ким, ҳатто энг қудратли мудофаа барпо этган тақдирда ҳам ўзини ҳимоя қила олмайди. Ядро урушидагина эмас, балки қуролланиш пойгасида ҳам ғолиб чиқиш мумкин эмас. Хавфсизликни таъминлаш тобора кўпроқ сиёсий вазифа бўлиб бормоқда ва уни фақат сиёсий воситалар билангина ҳал этиш мумкин. Капитализм билан социализм ўртасидаги қарама-қаршилик фақат ва мутлақо тинч мусобақа ҳамда тинч рақобат шаклида ўтиши мумкин.

КПСС XXVII съезди ана шунга асосланиб, партия Марказий Комитетига халқаро хавфсизлик проблемаларини изчиллик билан, планли асосда ва қатъият билан ҳал қилишга эришишни топширди. Съезд Совет Иттифоқи ташқи сиёсатини тинч-тотув яшаш йўлига оғишмай амал қилишга, бизнинг принципларимиз ва позицияларимизни қатъий ҳимоя қилишни тактик жиҳатдан эпчиллик билан ўзаро мақбул бўлган келишувларга, мулоқот ҳамда ҳамжиҳатликни излашга тайёргарлик билан қўшиб олиб боришга қаратди. Съезд, дейилади Сиёсий доклад юзасидан қабул қилинган резолюцияда, Совет ташқи сиёсатини ҳамма йўналишларда янада активлаштириш, кескинлик ўчоқларини адолатли бартараф этиш йўлларини излаш, ҳамма давлатлар билан ўзаро манфаатли, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди.

Ядро хавфига, қуролланиш пойгасига қарши, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш партия фаолиятининг халқаро майдондаги бош йўналиши бўлиб қолаверади. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг 15 январдаги Баёнотида олға сурилган программани рўёбга чиқариш учун кураш ана шу доирада СССР ташқи сиёсатининг марказий йўналиши бўлиб қолади. Бу программа тарихий аҳамиятга эгадир. Агар босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган режалар бажарилса, инсоният XXI асрни ядро қуролисиз, ўзининг қирилиб кетиш хавфидан қутилган ҳолда кутиб олади.

Ўзаро асосда таъсирчан контролни қўлланган ҳолда чеклашга ёки тақиқлаб қўйишга СССР тайёр бўлмаган қурол тури йўқ. Ҳозир вақт ғаниматида космосга қурол-яроғлар чиқариладиган эшикни маҳкам беркитиб қўйиш айниқса зарурдир. Халқлар ядро потенциалларини қисқартириш ишида реал силжишни талаб қилмоқдалар. Ядро синовларини тўхтатиш ҳамда Европа зонасида Совет ва Америка ўртача олислик ракеталарини тугатиш бу соҳада жуда катта қадам бўлур эди. Ҳақиқат дақиқалари яқинлашмоқда. Ғарб сиёсатчилари ядро қуролидан воз кечишга умуман тайёрми! — Улар бу саволга жавоб беришларига тўғри келади. Улар қуролланиш пойгасини қандай қилиб тўхтатиш хусусида конкрет қадамлар қўйишга, амалий ҳаракатлар қилишга, реал аҳдлашиб олишга тайёрми! СССР бунга тайёрдир.

КПСС халқаро фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Европа масаласидир. Европанинг тарихий истиқболлари — тинч ҳамкорлик қилишда, кескинликни юмшатиш тажрибасидан фойдаланишда, бу тажрибани ривожлантириш ва бойитишдадир. Хельсинки жараёни негизида ядро қуроллари ва оддий қуролларни тубдан камайтириш асосида ишончли хавфсизликни таъминлаш мумкин. Осиё ва Тинч океан йўналишларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу ерда барқарорлик ва тинчлик иши манфаатларини кўзлаб тегишли ечимларни излаш талаб қилинади. Планетанинг кўплаб қайноқ нуқталари можароли вазиятлар сира кечиктирилмай бартараф этилишини кутмоқда.

КПСС XXVII съезди халқаро хавфсизликнинг кенг кўламли системасини барпо этишдан иборат янги катта ғояни олға сурди. Унинг принципиал Асослари таърифлаб берилди. Улар ҳар томонлама, комплекс, новаторлик характеридадир. Ҳозирги замон хавфсизлик тушунчасининг барча жиҳатлари — унинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалари биринчи марта бир бутун бўлиб мужассамлашмоқда.

Асослар ҳарбий соҳада, жумладан ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг бир-бирларига ёки учинчи давлатларга қарши урушдан — ҳам ядровий, ҳам оддий урушдан бош тортишини кўзда тутади; космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймасликни, ҳар қандай ядро синовларини тўхтатишни ва уни бутунлай тугатишни, химиявий қуролни қўллашни тақиқлашни ва бошқа чораларни кўзда тутади. Халқаро практикада ҳар бир халқнинг ўз тараққиёти йўллари ва шаклларини мустақил равишда танлаб олиш ҳуқуқини сўзсиз ҳурмат қилиш; давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш чоралари, уларга ташқаридан ҳужум бўлмаслигининг таъсирчан гарантияси, чегараларнинг дахлсизлиги; халқаро терроризмни тугатишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш сиёсат соҳасидаги асосий принциплар қаторига киради.

Иқтисодий хавфсизлик асослари муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада ҳар қандай камситишдан, қамал ва жазо чораларидан воз кечиш; қарз проблемасини адолатли ҳал этиш; янги жаҳон иқтисодий тартибини ўрнатиш ва бошқа чора-тадбирлар бор. Гуманитар соҳа объектив хабардорликни, халқларни бир-бирининг ҳаёти билан ўзаро таништириб боришни; улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустаҳкамлашни, геноцидни, аппартеидни, фашизмни тарғиб этишни ҳамда бошқа ҳар қандай ирқий, миллий ёки диний мумтозликни тугатишни, шунингдек, бошқа муҳим ҳамкорлик мақсадларини кўзда тутади.

«Халқаро хавфсизликнинг кенг кўламли системасини барпо этиш асослари» — жаҳон сиёсатидаги янгиликдир. Улар Ер юзида тинчлик тақдиридан ташвишланаётган барча ҳукуматлар, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг амалий фаолияти учун кенг имконият очиб беради. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари раҳбарларини икки томонлама ва кўп томонлама бевосита, мунтазам мулоқоти учун ҳам шароитлар яратилмоқда. Бу тинчликни мустаҳкамлаш учун алоҳида масъулиятли, ядро қуролига эга бўлган беш давлат — Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ўртасида айниқса муҳимдир.

Биз халқлар хавфсизлиги ва ҳамкорлигини таъминлаш лозим бўлган новаторлик ғояларини, принципларини, режалари ва таклифларини олға сурар эканмиз, хомхаёлга берилмаймиз, дунёда вазият хавфли эканлигидан кўз юммаймиз. КПССнинг қатъият билан ўтказаётган фаолияти туфайли бу вазиятни соғломлаштириш учун шарт-шароитлар вужудга келмоқда. Аммо бу яхшилик сари бурилишнинг ўзи эмас. Империализмнинг милитаристик, агрессив кучлари мухолифликни сақлаб қолишга, уни абадийлаштиришга, қуролланиш пойгасини авж олдиришга уринмоқдалар. Бироқ ҳозирги вақтда бу хавфли сиёсатга қарши чиқаётган қудратли куч бор — бу тинчлик, ақл-заковат ва эзгу ниятнинг улкан потенциалидир.

Жаҳон социализм системаси уруш хавфига қарши турган ғоят муҳим омилдир. Партиямиз ва давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ишларини социалистик ҳамдўстлик қардош мамлакатлари актив қўллаб-қувватламоқдалар. Улар халқаро майдонда мувофиқлаштирилган сиёсатни ўтказмоқдалар. Жаҳон коммунистик ҳаракати, миллий ва социал озодлик кучлари, урушга қарши қудратли ҳаракат халқларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилмоқда.

Урушга қарши жангда актив қатнашиш — Ленин партияси ташқи сиёсий стратегиясининг моҳиятидир. Бундай сиёсатни совет халқи тўла қўллаб-қувватламоқда, чет эллардаги миллион-миллион кишилар бу сиёсатга хайрихоҳлик билан қарамоқда. Унинг амалга оширилиши кўп меҳнат ва куч сарфлашни талаб этади. Лекин бизнинг ишончимиз комилки, келажак шу сиёсат томонидадир.

(«ПРАВДА»нинг 12 март сонидаги бош мақоласи).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси навбатдаги мажлисида КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан партия, совет, жамоат ва хўжалик ташкилотлари олдида турган биринчи навбатдаги баъзи вазифаларни кўриб чиқди. Съезд йўл-йўриқларининг мазмуни ва руҳи ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистга, ҳар бир кишига етказилиши зарур. Яқин вақт ичида ҳамма жойда конкрет ташкилий-хўжалик ва оммавий-сиёсий тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг сўзсиз бажарилишини аниқ-пухта ташкил этиш керак. Съезддан кейинги дастлабки кунларданоқ республика халқ хўжалиги барча бўғинларида юксак меҳнат маромини, сифатли ишлашни таъминлаш, ижодий ва ишчанлик услубини қарор топтириш, меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантириш, ўзаро талабчанлик ва танқидий муносабатда бўлиш вазиятини вужудга келтириш лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Матлубот кооперациясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида республика матлубот кооперацияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, қишлоқда социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда унинг ролини оширишга оид амалий тадбирлар белгиланди.

Ўзбекбирлашувга, Қорақалпоғистон республика ва область матлубот союзларига қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва хом ашёни харид қилиш ва қайта ишлашни кўпайтириш, Озиқ-овқат программасини ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш соҳасида актив ва собитқадамлик билан иш олиб бориш, қишлоқни социал-маданий жиҳатдан ўзгартиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш вазифаси топширилди. Қарорда матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини уларнинг иш практикасига кенг жорий этиш кўзда тутилади.

Республика маҳаллий Советлари ижроия комитетларига, министрликлари ва идораларига ҳам тегишли топшириқлар берилди. Партия комитетларига меҳнат коллективларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар масалаларига эътиборни кучайтириш, матлубот кооперацияси ходимларини партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XXI пленумининг чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан Зомин район партия комитетининг фаолияти кўриб чиқилди. Чорвачилик тармоғига раҳбарлик қилиш, қиш даврида фермаларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасида район партия комитети ва унинг бюроси амалга оширган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар қониқарсиз деб топилди. Марказий Комитет бюроси Зомин район партия комитетидан, унинг биринчи секретари ўртоқ А. Соипназаровдан чорвачиликдаги ишларнинг аҳволи учун совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, раҳбарлари ва мутахассислари жавобгарлигини ошириш, халқ хўжалигининг мазкур участкасида тартиб ўрнатиш ва ишларни тубдан қайта қуриш соҳасида шошилинч чоралар кўришни талаб қилди.

Коммунистларни жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор бериш, ишлаб чиқаришда уларнинг авангардлик ролини таъминлаш, чорвадорлар орасида социалистик мусобақа таъсирчанлиги ва ошкоралигини кучайтириш зарур. Қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва дам олиш шароитларини, уларга медицина, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга оид конкрет тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Давлат агросаноат комитетига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, бошқа министрликлар ва идораларга район хўжаликларига амалий ёрдам бериш таклиф этилди.

Партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида коммунистлар билдирган танқидий мулоҳазалар, илтимослар ва таклифларни рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тадбирлари тасдиқланди, уларни бажариш устидан контрол ўрнатиш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида хўжаликка партия раҳбарлиги, ташкилотчилик ва сиёсий ишларга оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ, САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ—ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ!



Пойтахт области коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди қабул қилган тарихий қарорларни, янги беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишга киришдилар. Съезд бунёдкорлик ишларимизга янгича руҳ ва кўтаринкилик бахш этди.

Съезд ғояларини омма онгига ва қалбига етказишда барча оғзаки сиёсий агитация кадрлари билан бирга партия XXVII съезди делегатлари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Улар съезддан олган бой таассуротларини ҳамкасблари, меҳнат коллективлари билан бўлаётган учрашувларда ўзаро ўртоқлашмоқдалар, барчанинг эътиборини экономикани интенсив ривожлантиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратмоқдалар.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакциялари ташкил этган давра суҳбати иштирокчилари бўлган КПСС XXVII съезди делегатлари янги талаблар асосида ишни қайта қуриш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, иш услуби ва методини такомиллаштириш, кадрлар билан ишлашни яхшилашга кўмаклашувчи кўпгина муҳим таклифларни ўртага ташладилар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар устида тўхталдилар.

Давра суҳбати ҳақидаги ҳисобот газетанинг иккинчи саҳифасида босилмоқда.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Акмал Икромов район партия комитетининг ҳисоботини тинглади. Шу нарса таъкидландики, районда комсомоллар ва ёшлар билан изчил иш олиб борилмаяпти. Халқ хўжалигини интенсивлаштириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда йигит ва қизларнинг иштирокини активлаштириш юзасидан зарур тадбирлар кўрилмаган. Ёшларнинг ижодий уюшмалари яхши ривожлантирилмаган, кейинги икки йил ичида биронта ҳам комсомол-ёшлар бригадалари тузилмади, улар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинмади. 1985 йили ёш ишчиларнинг прогуллари ва меҳнат интизомини бузиш ҳоллари туфайли кўплаб иш вақти йўқотилди. 10 минглаб сўмлик саноат маҳсулоти кам ишлаб чиқарилди. Коммунистларнинг ёшлар билан ишлашдаги масъулияти етарли оширилмаяпти, бу соҳага жавоб берувчи бюро ва партком аъзоларининг ҳисоботлари эшитилмайди.

Комсомол кадрларини танлаш, жой-жойига қўйишда ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд. Муносиб резерв тайёрлаш иши бўш ташкил қилинган, узоқ вақт вакант лавозимлар бўш туради.

Комсомол ва ёшларни идеологик тарбиялаш савияси паст. Йигит ва қизларни физкультура ва спорт машғулотларига оммавий равишда жалб қилиш юзасидан етарли иш олиб борилмайди.

Район партия комитетларининг бўлимлари, бошланғич партия ташкилотлари комсомол органларининг иш услуби форма ва методларини такомиллаштиришга, район комсомол ташкилоти барча бўғинларининг жанговарлигини оширишга кам эътибор берадилар. Район партия комитетининг секретарлари, масъул ходимлари, совет ва хўжалик раҳбарлари комсомоллар ва ёшлар билан камдан-кам учрашиб турадилар, ёшларнинг тадбирларида онда-сонда қатнашадилар.

Район комсомол комитетининг, бошланғич комсомол ташкилотларининг иш услуби форма ва методларида мажлисбозлик, қоғозбозлик давом этмоқда, ёшлар ўртасида жонли иш олиб бориш ўрнига кўплаб оммавий тадбирлар ўтказишга берилиш ҳоллари мавжуд. Область партия комитетининг бюроси Акмал Икромов район партия комитетининг секретарлари Т. Ҳ. Ҳайдаров, В. А. Чекмарев, Ш. Ҳ. Шукурова ўртоқларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш, КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича ишларни активлаштириш юзасидан конкрет тадбирлар кўришни топширди.

Бўка район партия комитети биринчи секретари ўртоқ Ҳ. Пирнапасовнинг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш соҳасида район партия комитети олиб бораётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Область партия комитетининг бюроси шунга эътиборни қаратдики, районда маориф муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари қилиш юзасидан етарли ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб борилмаяпти, қабул қилинган тадбирларни бажариш борасида етарли қатъият кўрсатилмаяпти, район халқ маорифи бўлими ўқув юртларига раҳбарлик қилишнинг услуб ва методларини яхшиламаяпти. Кўп мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари эскичасига ишламоқдалар. Ўқув тарбия жараёнида таълимнинг янги формалари суст жорий қилинмоқда. Кўпгина ўқитувчиларнинг малакаси паст.

Район партия комитети мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ҳаётига чуқур кириб бормайди. Педагогик коллективлар фаолиятига партиявий таъсир бўшашиб кетган.

Район ижроия комитети, база корхоналари ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш масалаларини пухта ишлаб чиқмаганлар. Ўқув-ишлаб чиқариш бригадаларига ўқувчиларни жалб қилиш ҳамон қониқарли эмас. Касбга йўналтириш иши бўш олиб борилмоқда. 8-синф битирувчиларини ҳунар-техника билим юртларига юбориш плани бажарилмаяпти.

Область халқ маорифи бўлими, область ҳунар-техника таълими бошқармаси рўй берган аҳвол билан муроса қилиб келмоқдалар, камчиликларни қайд этадилар-у, уларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўрмайдилар.

Область агросаноат комитетининг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қишлоқ мактабларининг, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этишдан четда турибдилар.

Область партия комитети Бўка район партия комитети бюросининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш юзасидан ишини қониқарсиз деб топди.

Мактаб ислоҳотига раҳбарликдаги катта камчиликлари учун район партия комитетининг секретари М. М. Мирзаева, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Султонов жиддий огоҳлантирилдилар. Район халқ маорифи бўлими аппаратининг бошланғич партия ташкилотига бўлим мудири О. С. Порсиевнинг масъуллигини кўриб чиқиш топширилди.

Бюро мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

КПСС XXVII съездида тасдиқланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Устави тексти китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади юзасидан қабул қилган резолюцияси ҳамда партия XXVII съезди қарорлари алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

